Ушбу сонда:

2 *Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига* МАФТУНИНГМАН, ОНА ҚИШЛОҒИМ!

3 ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

4 ШАНБА - ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 14 апрел, шанба №57 (1071)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«ЖАВҲАР» ХИЗМАТИДАН МАМНУНМИЗ»

Оролбўйи худудида Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш дастури изчил амалга оширилаяпти. Шаҳарларда ва олис овулларда янги тиббий хизмат кўрсатиш нуқталари ташкил этилиб, бу масканлар энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бугунги кунда улар қаторига мураккаб экологик вазиятда яшаб, меҳнат қилаётган аҳоли саломатлигини сақлашда кафолатли хизмат кўрсатаётган хусусий шифохоналар тармоғи ҳам қўшилиб бормоқда. Бу борада Элликқалъа туманида олиб борилаётган ишлар ибратлидир.

Ислоҳот мевалари

Бўстонлик олий тоифали врач Тўлаган Урганчбоев саъй-ҳаракатлари билан иш бошлаган кўз касалликларини даволовчи «Жавҳар» хусусий шифохонаси довруғи қисқа вақт ичида кўпчиликни ўзига жалб этди. Нафақат Қорақалпоғистоннинг шаҳар ва овулларидан, балки қўшни Қозоғистон Республикаси вилоятларидан ҳам шифо истаб келувчилар сони кўпайди. Уларга хизмат кўрсатаётган 2 нафар олий тоифали врач ҳамда 8 нафар ҳамшира замонавий тиббий асбоб-ускуналар, лазер қурилмалари ёрдамида ғоят нозик микрожарроҳлик операциялари ўтказиш, кўзга сунъий гавҳар ўрнатиш жараёнларини бажармоқдалар. Қувонарлиси шундаки, турли сабаблар туфайли кўзи кўрмай қолган 67 нафар бемор ёруғ дунёни қайта кўриш бахтига муяссар бўлдилар. Наврўз байрами арафасида эса юзинчи бемор бепул амбулатория текширувларидан ўтказилиб, муолажа қилинди.

— Марказимиз йил давомида 350 нафар беморни микрожарроҳлик усули билан операция қилиш имконига эга, — дейди «Жавҳар» хусусий шифохонаси раҳбари Тўлаган Урганчбоев.

Ҳа, туманда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Миллий дастурига биноан аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи хусусий сектор ривожланишига катта эътибор берилмоқда. Натижада йирик хусусий шифохоналар сони 6 тага етди. Улардан хўжалик ҳисобидаги Бўстон тиббий сервис поликлиникаси йилига 3 миллион сўмлик малакали хизмат кўрсатаётир. «Дониёр» хусусий стоматология поликлиникаси хизматидан ҳам мижозлар мамнун. Олти жойда малакали шифокорлар педиатрия, кардиология, терапия, ортопедия-травматология касалликларини даволашга мўлжалланган хусусий кабинетлар очиб, меҳнаткашлар саломатлигини муҳофаза қилишда муносиб ҳисса қўшмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг лицензиясига асосан марказий касалхонада давлат томонидан кафолатланган тиббий хизмат турлари ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Қисқа муддатда 15 нафар малакали шифокор, 35 нафар ҳамшира беморларга салкам 4 миллион сўмлик тиббий хизмат кўрсатди.

Ўз-ўзидан савол туғилади: хусусий сектордан ташқари умумий тарзда, яъни давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматнинг ҳозирги аҳволи қандай?

— Туманимизда салкам 115 минг аҳоли истиқомат қилади, - дейди марказий шифохона бош врачи ўринбосари Отажон Ҳамраев. — Уларнинг соғлиғини сақлашда 159 нафар шифокор, 678 нафар ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходимлари меҳнат қилмоқдалар. Шошилинч тиббий марказ, 7 та қишлоқ ва 18 та маҳалла врачлик пунктлари очилди. Бугунги кунда 3 та қишлоқ врачлик амбулаториялари, 25 та ФАП, марказий касалхона, 3 та поликлиника ва диспансерлар фаолият кўрсатаяпти. Бу масканлар зарур асбоб-ускуналар билан тўла таъминланган.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

Францияннинг Ўзбекистондаги элчихонасида Европадаги ушбу мамлакат Сенатининг ташқи ишлар, қуролли кучлар ҳамда мудофаа масалалари бўйича комиссияси раҳбари Ксавье де Вилпен бошчилигидаги сенаторлар делегацияси вакиллари иштирокида брифинг бўлиб ўтди.

ФРАНЦУЗ СЕНАТОРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Франция сенаторларининг ҳар йили дунёнинг бирор мамлакатига сафар уюштириши анъанага айланган. Бу йил бундай сафар учун Ўзбекистон танланди.

Ташриф чоғида меҳмонлар Ўзбекистон Бош вазири, Олий Мажлис раиси, ташқи ишлар ҳамда мудофаа вазирлари билан учрашди.

Делегация раҳбари Ксавье де Вилпеннинг айтишича, Ўзбекистон Франция ҳукуматининг ўтиш даврини бошдан кечираётган давлатлар рўйхатига киритилган. Бу эса унга Франция ҳукуматидан имтиёзли кредитлар олиш имконини беради.

Журналистлар билан учрашув чоғида делегация раҳбари Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги ҳарбий ҳамкорлик масаласига ҳам тўхталди ва ҳозирча бу борада, асосан, кадрлар тайёрлашга эътибор қаратилаётганини айтиб ўтди.

Айни пайтда Ўзбекистонда 400 минг киши француз тилини ўрганмоқда. Сенаторлар мамлакатимизда француз тили ва маданиятини тарғиб қилишга юксак даражада эътибор берилаётганини мамнуният билан таъкидлади.

(ЎзА).

ИЖТИМОИЙ МАЖМУА ЙИҒИЛИШИ

Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуининг жорий йил биринчи чорагидаги фаолияти якунлари ҳамда Оналар ва болалар йили, «Соғлом авлод» ва «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш» Давлат дастурларининг бажарилишига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда мажмуа таркибига кирувчи вазирлик, қўмита, уюшма, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳ.Кароматов бошқарди.

Мажлисда Соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров, «Ўзфармсаноат» давлат концерни раиси Қ.Шодиев, Маданият ишлари вазири Х.Жўраев, республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши масъул котиби А.Болиев ва бошқаларнинг ахборот тингланди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда мажмуа таркибига кирувчи вазирлик, уюшма, идора ва ташкилотларнинг ҳам салмоқли улуши бор. Хусусан, сўнгги икки йил мобайнида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш борасида талай ишлар амалга оширилди. Жойларда замонавий талаблар даражасидаги кўплаб янги тиббий муассасалар, она ва бола махсус марказлари, ўқув масканлари фойдаланишга топширилди. «Соғлом авлод» Давлат дастурига мувофиқ, болаларнинг соғлом дунёга келиши ва мактаб ёшига етгунга қадар парваришида оналарга ҳар томонлама ёрдам бериш, тиббий ва ижтимоий муҳофаза қилиш тизими тўлиқ шаклланди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишни янада яхшилаш ишлари Оналар ва болалар йили дастурига мувофиқ изчил амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, тиббиёт саноатида ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда дори-дармон ва турли малҳамларни маҳаллий хомашё негизида ишлаб чиқаришни кўпайтиришни талаб даражасида деб бўлмайди. Хусусан, тиббиётда халқ табобати бой тажрибаларидан кенг фойдаланилмаяпти.

(ЎзА).

Хивалик қўли гул ҳунармандлар тўқиган нафис ва бежирим гиламлар қадимдан етти иқлимга машҳур бўлиб келган. Бугунги кунда эса хоразмликлар отабоболарининг ана шу касбини меҳр билан давом эттириб келмоқдалар. Шу боис вилоятда ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кўпгина корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Шулардан бири «Хива гилами» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятидир. Айни чоғда бу ерда 300 хил кўринишдаги гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Улар тайёрлаётган маҳсулотга талаб кундан кунга ортиб бормоқда. Чунки бу ерда тўқилаётган гиламлар ўзининг кўркамлиги ва сифатлилиги билан киши диққатини ўзига жалб этади.

Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар.

Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

ТУҲФА

Нурота тумани чорвадорлари соғлиғини муҳофаза қилиш, тиббиёт ислоҳотларини ҳаётга татбиқ этиш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Оналар ва болалар йилида туман марказий касалхонасида замонавий туғруқхона мажмуининг фойдаланишга топширилиши чўпон-чўлиқларнинг оила бекаларини хушнуд этди. Бу ерда оналар ва чақалоқлар учун барча шарт-шароит яратилиб, улар шифокорлар назоратига олинди.

Янги туғруқхонага Финляндиянинг «Медико-медикал» фирмасининг 1 миллион 280 минг АҚШ доллари миқдоридаги замонавий асбоб-ускуналари ўрнатилди. Бино ярим йил ичида ҳашар йўли билан бунёд этилди.

ФЕРМЕР ОРЗУСИ УШАЛДИ

- Сурхондарё Алпомишлар юрти. Шу боис бу ерда донғи кетган полвонлар бор. Ёшлари ҳам серғайрат. Маҳтумқули, Тоштемирларга ўхшаган полвонлар кўпайса дейман, - дейди Деновдаги «Лочин» хусусий фермер хўжалиги раҳбари Аҳмад Нарзуллаев. Худди шундай ёшлар билан фахрланиб юрсак.

Анчадан буён фермер қишлоқ ёшларига спорт мактаби қуриб, беришни дилига тугиб юрганди. Яқинда унинг орзуси амалга ошди. Ўз ҳисобидан саксон нафар кишига мўлжалланган спорт мактабини қуриб, ёшлар ихтиёрига топширди. Мактаб ишга тушиши биланоқ бу ерда спортнинг миллий кураш, каратэ, бокс турлари бўйича машғулотлар бошлаб юборилди. Фермер спорт мактабида таҳсил олиб, халқаро мусобақаларда фаол қатнашадиган ҳамқишлоқларига алоҳида мукофотлар беришга ваъда берган.

«Туркистон-пресс»

Муаммо кўндаланг қўйилади

ДЕПСИНИШ

Оқолтин туманида янги иш ўринлари яратиш масаласи ўта суст ҳал этиляпти

Оқолтиннинг Сирдарёда ўз ўрни бор. Туман аҳолисининг 18 минг нафардан ортиғини ёшлар ташкил этади. Бу ернинг одамлари меҳнатсевар, мард, сабр-қаноатли. Орзу-ҳаваслари беқиёс. Бироқ, уларнинг баъзилари рўёбга чиқмай келмоқда. Жумладан, қишлоқларни ободонлаштириш, замонавий биноларни бунёд этиш ғоят суст бормоқда.

Марказий қўрғондаги аҳвол бундан ўн йил илгари қандай бўлса, ҳануз шундайлигича турибди. Қанчадан-қанча раҳбарлар аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга, ишдан чиққан қувурларни алмаштиришга ваъда беришди-ю, уддасидан чиқишолмади. Шунда ҳам одамлар ранжишгани йўқ. «Бетон қудуғимиз сувидан қўймасин», дея ўзларини овутишди. Ҳар ҳолда кўпчилик ҳар жабҳада туб ўзгаришлар бўлишига ишонмоқда, ҳалол меҳнат қилмоқда.

Юртбошимизнинг «Бугун юртимизда демографик жараёнлар қандай кечаётгани, унинг ўсиш суръати, яқин келажакда бизни бу борада қандай муаммо кутаётгани, меҳнатга лаёқатли одамлар сони қанчага кўпайиши, улар иш билан қандай таъминланиши ҳақида ким нима дея олади?..», деган сўроқларига оқолтинликлар нима дейишларини билмай туришибди. Тўғри-да, Италия билан ҳамкорликда ташкил этилган, ҳозирда касодга учраган «Тошкент-Коттон» қўшма корхонаси билан мақтаниб бўладими? Уч йилдирки, бу ерда иш тақатақ тўхтади. Биргина «Шарбат» хусусий корхонасини мақтамаган бирон-бир даври қолмади. Хориж сармоясини жалб қилишнинг иложини топишолмаяпти.

Ҳаёт, бозор иқтисоди оқолтинликлар олдига ҳам қатъий талаблар қўймоқда. Бу ёқда иккита коллеж, битта лицейда таҳсил кўраётган иқтидорли, олов қалб ёшлар тоғни талқон қиламиз, деб туришибди. Уларни муносиб иш ўринлари билан таъминлаш лозим бўлади. Тўғри, туман раҳбарлари ҳар ҳолда қўл қовуштириб ўтиришгани йўқ. 222 та кичик корхона ва фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Улар 1105 кишини иш билан таъминлаб қўйган. Аммо 50 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган ҳудуд учун бу ниҳоятда кам. Гап мана шунда. Юқорида таъкидлангани-дек, қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудида 1917 нафар иш билан банд бўлмаган фуқаролар рўйхатга олинган. Бунинг 1447 нафари ёшлардир. 1434 фуқаро муқим иш ўрнига эга эмас. Нима билан машғул бўлишни билмай юрганлар ҳам анчагина. Хўш, қайд этилганлар қаерда ишлашади, қандай кун кечиришади?

Биз баъзи бир ишсиз кишилар билан мулоқотда бўлганимизда, кўнгилдагидек иш топа олишмаётганлигини айтишди. Шу ўринда бир воқеа хусусида тўхталсак. Хизмат бурчи билан энг чекка хўжаликда бўлдик. Учтом қишлоғидан қайтаётганимизда, борлиқни қорнғулик қоплаганди. Автомашинамиз тўхтаган ҳовли атрофида ўн нафарча ёшлар ғимирлаб юришарди. Бизни кўриб саросимага тушишди. Билсак, улар алюминийфурушлар экан. Бегоналарни кўриб, улар жуфтакни ростлаб қолишди. Қишлоқдан чиқаверишда биринчи учраган ДАН ходимига рўбарў бўлиб, кўрганларимизни айтдик. У шошилинч тарзда ҳаракатга тушди. Ноқонуний йўллар билан пул топишга уринаётганлар орасида ёшлар борлиги бизни ғоят ташвишлантиради.

Туман ҳудуди катта. Демографик ўсиш жараёни юқори. Шундай экан, эртанги кун ҳақида мутасаддилар қандай бош қотиришмоқда, деган саволни яна кўндаланг қўйишга тўғри келади. Туман ҳокимининг 2001-2005 йилларга мўлжалланган янги иш жойлари яратиш дастури билан танишдик. Табиийки, дастур кўпчилик фикр-мулоҳазалари инобатга олинган ҳолда, муҳокамадан ўтказилиб, қабул қилинади. Бироқ, биз дастурга кўз югуртириб, ҳайратландик. Эътибор қилинг, 2001 йилда янги корхоналар ҳисобидан бирорта ҳам иш ўринлари яратиш кўзда тутилмаган. 2002 йилда эса бор-йўғи ўнта иш ўрни яратишни режалаштиришибди. Туман ҳокими, унинг ўринбосарларининг таъкидлашича 2003 йилда ишсизликка барҳам бериш йўлида аниқ режалар амалга ошириларкан. Шу йили 103 та янги иш ўрни бўлармиш.

Хуллас, кўпдан-кўп ёшлар, фуқаролар Оқолтин ҳудудида муқим иш жойларига эга бўладилар, дея хулоса қилолмадик. Ахир, хўжакўрсинга тузилган бундай дастурларни тузишнинг нима фойдаси бор. Бу билан туман раҳбарлари аввало ўзларини алдашаяпти-ку. Туманда ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этиш, ишсизлик балосини бартараф қилишга амалда қатъий киришилмас экан, бир вақти келиб бу хато ғоят қимматга тушиши мумкин.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Когон шаҳрида меҳнат бозори ярмаркаси ўтказилди. Унда шаҳардаги 55 корхона, ташкилот, муассаса ва хусусий тузилмалар 103 та бўш иш ўрни билан қатнашди.

МЕҲНАТ БОЗОРИ ЯРМАРКАСИ

Ёшларни, айниқса, жазо муддатини ўтаб келган шахсларни муқим иш жойи билан таъминлаш шу куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Зеро, бекорчиликдан безган ёшлар, умуман барча ишсизлар жиноят йўлига кириши, турли диний оқим ва гуруҳларга қўшилиб кетиш эҳтимоли ҳақида кўп гапирилмоқда.

Когон шаҳрида ўтказилган меҳнат бозори ярмаркаси ана шундай салбий ҳолатлар олдини олишда муҳим рол ўйнади. Иш сўраб мурожаат қилган 96 нафар фуқаронинг барчаси янги меҳнат жамоаларидан қўним топди. Жумладан, шаҳар коммунал хизмати бошқармаси 10 нафар фуқарони иш билан таъминлаган бўлса, «Гули» ва «Гулнора» кичик корхоналари 20 нафар қиз-жувонга касб сирларини ўргатадиган бўлди. Шунингдек, «Бухорогипс», «Геофизика», «Когонёг», «Бухоро-1» бекатидаги йўл-хизмат устахонаси, «Бухоройўлиншооттаъмир» каби меҳнат жамоалари ҳам кўплаб ёшларни ўз сафларига олди.

Оқсилга қарши кураш давом этади

Қорақалпоғистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ветеринария бошқармаси ходимлари оқсил касаллигининг олдини олиш борасида барча зарур чора-тадбирларни кўрмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати билан юз минг бошга яқин чорва моллари офатга қарши эмланди.

Европа давлатларига ғоят катта миқдорда иқтисодий зарар етказаётган касалликни республика ҳудудига киритмаслик учун профилактик ишлар давом этмоқда, аҳоли орасида атрофлича тушунтириш олиб бориляпти.

Шунингдек, Қорақалпоғистонга қўшни давлатларнинг белоён Қизилқум ва Устюрт орқали ўтувчи чегаралари ҳам назорат қилинмоқда.

(ЎзА).

МАФТУНИНГМАН, ОНА ҚИШЛОҒИМ!

«Ўзбекистон Швейцарияси» дея ном олган Бахмалнинг мўъжазгина, бир ёни Туркистон тоғ тизмаларига туташиб кетган Оккўрғон қишлоғида етмишинчи баҳорни қаршилаётган Ўрозбой исмли мўйсафид истиқомат қилади.



Отахонга кўпчилик - теварак-атрофдаги қишлоқ одамлари, ўз ҳамқишлоқлари «Бахмал тарихининг жонли саҳифаси», дея таъриф берганлар. Негаки, Ўрозбой ота Бахмал ва бахмалликлар ҳаётига доир жуда кўплаб ривояту тарихий воқеаларни билади, уни қишлоқ ёшларига завқшавқ билан сўзлаб беришдан асло толиқмайди.

... Айтишларича, кўҳна қишлоқда Аввалбой исмли катта бой ўтган экан. Унинг моллари шу қадар кўп эканки, қишлоқни ўраб турган икки тоғ — Моргузар ва Туркистон тоғлари орасидаги поёнсиз яйловларга зўрға сиғаркан. Айниқса, отуловларининг саноғига етиб бўлмас экан... Ёз кунларида қишлоқдаги қайноналару онахонлар келинлар ва қизларига тушлик пайти яқинлашганда: «Дарё ўзанидан идишларингни тўлғазиб сув олиб қолинглар, Аввалбой отанинг йилқилари дарё ўзанига сув ичишга тушса, анча муддат сув қуриб қолади» дейишаркан... Албатта, қишлоқнинг тўрт тегирмонини ҳаракатга келтиришдан ортиб қоладиган Сангзор дарёси ўзани сувини бир сипқоришда тугатиб қўядиган йилқилар подасининг кўплигига ишора экан бу.

Оккўрғоннинг бугунги одамлари ўз боболари Аввалбой отанинг бойлигига ҳавас билан боқиб яшашади. Бу ҳавас шунчаки хом хаёл эмас, зотан ўзларининг ҳалол меҳнатлари туфайли орзулари амалга ошмоқда. Бу нарсани қишлоқ аҳли мамлакатимиз мустақиллиги шарофатидан деб билади.

Истиқлол йилларида қишлоқ одамларининг қўралари яна молга тўлиб, омборлари дон кўрадиган бўлди, ҳар бирисининг орзу-ҳаваслари ушалмоқда.

Қишлоқда фермерлик ҳаракати ривож топаётир. Ер ҳақиқий эгаларига топширилди. Абдурасул Бобобеков, Равшан Кенжаев, Дилмурод Аҳмедов, Умарали Абдуолимов сингари фермерлар бугунги кунда фақат оила аъзоларинигина эмас, ҳамқишлоқларини ҳам доимий иш билан таъминлаб, эл-юрт фаровонлигига баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Икки тоғ оралиғидаги чекка бу қишлоқда ҳам ижтимоий соҳаларда ижобий ўзгаришлар яққол кўзга ташланиб қолди. Сўнгги йилларда 400 ўринли янги мактаб биноси, 4 чақиримлик асфальт ва 5 чақиримлик тош йўл қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қишлоқ врачлик пункти, савдо тармоғи ишлаб турибди. Турар-жойлар аҳолига берилаётган якка тартибдаги ер участкалари ҳисобига кенгайиб бормоқда. Энг муҳими, қишлоққа табиий газ олиб келиш Жиззах вилоят ҳокимининг қарорига киритилган бўлиб, бу тадбир тез муддатлар ичида амалга оширилади.

... Қишлоқ мўйсафиди Ўрозбой ота ана шундай чекка тоғ қишлоғидаги ўзгаришларни, бунёдкорлик ишларини кўнглидан бирма-бир ўтказар экан, мустақилликнинг оддий одамларга бахш этаётган олам-олам бахт-саодатидан энтикиб қўяди ва шукроналар айтиб, дуога қўл очади: «Илоҳо истиқлолимиз абадий бўлиб, юртимиз гуллаб-яшнайверсин, Юртбошимиз чинордек умр кўрсин!».

Ҳа, бугунга келиб, чекка бир қишлоқда ҳам каттадан-катта ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар яққол бўй кўрсатмоқда.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

«Сурхондонмаҳсулотлари» ишлаб чиқариш акционерлик уюшмаси вилоят аҳолисини ун ва ун маҳсулотлари билан таъминлайди. Айни пайтда унинг тасарруфида 7 та корхона, 6 та Германиянинг «ВИНКЛЕР» ишлаб чиқариш линияси фаолият кўрсатмоқда.

Яқинда Музработ туманида уюшманинг «Меҳнат-Роҳат» корхонасига қарашли «Иссиқ нон» цехи ишга туширилди. Мазкур цех суткасига 2 тоннагача маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга. Ҳозир бу ерда тайёрланган маҳсулотлар асосан, тумандаги боғча ва мактабларга жўнатилмоқда.

Суратларда: 1. Цех ишчилари Барно Қодирова ва Дилфуза Ибрагимова. 2. Ишлаб чиқариш биносининг умумий кўриниши.

И. ХЎЖАЕВ (ЎзА)
олган суратлар.

Тармоқ касаба уюшмаларида

АРИЗА ВА ШИКОЯТЛАР ҚАНОАТЛАНТИРИЛМОҚДА

Нурота туман Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитасида жамоа шартномасининг бажарилишига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, тиббиёт ходимлари шинам ва озода иш жойлари ҳамда махсус кийим-бош билан таъминланди. Ходимлар ўртасида меҳнат интизоми мустаҳкамланди. 12 ёшгача бўлган икки нафар фарзанди бор ҳамда 16 ёшгача ногирон боласи бўлган аёлларнинг меҳнат таътилларига уч кун қўшиб бериш йўлга қўйилган. Оғир ва зарарли ишда ишловчи ходимларга, тунги сменаларда, ишдан ташқари вақтларда, байрам кунларида ишлаганлар учун ҳамда ўриндошлик асосида меҳнат қилаётган ходимларга қўшимча тўловлар бериб борилмоқда. Боласи икки ёшга тўлмай ишга чиққан аёлларга ойлик маош билан бирга болага қараб туриш нафақаси тўланмоқда. Врачлар, ҳамширалар ўртасида кўрик-танловлар, спорт тадбирлари ўтказиш анъанага айланган.

Шунингдек, касаба уюшмалари кам таъминланган, кўп болали оилаларга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда уларни соғломлаштириш, сиҳатгоҳ ва санаторийларга бепул йўлланмалар билан таъминлаш масалалари ҳам кўзда тутилган. Хусусан, 5 нафар тиббиёт ходими турли сиҳатгоҳларда дам олиб, соғлиғини тиклади.

Агар ўтган йили қўмитага 70 та ариза ва шикоятлар тушган бўлса, улардан 48 тасида моддий ёрдам сўраб мурожаат этганлар. Касаба уюшма қўмитаси маъмурият билан биргаликда ҳеч бир аризани беэътибор қолдирмай, холис ҳал этишга ҳаракат қилмоқда.

Тармоқ ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояларини кучайтириш мақсадида ишда ўрнак кўрсатаётган ходимларга 15 фоизлик моддий рағбатлантириш ҳисобидан 8.820 минг сўм ажратилди. Меҳнат интизомини бузган, ишда хато ва камчиликларга йўл қўйган ходимлар эса ушбу мукофотдан маҳрум этилдилар. Шунингдек, шифокор ва ҳамширалар газ ва электр энергияси учун берилган имтиёзлардан фойдаланмоқдалар.

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Жамоа шартномаси шарофати

ШВЕЙЦАРИЯ ТЕХНОЛОГИЯСИ ЁШЛАР ИЗМИДА

Косон томон борар экансиз, Катта ўзбек трактининг ўнг томонида жойлашган Шайхали қўрғонида маҳобатли бинолар кўзга ташланади. Элеваторларнинг улкан ускуналари, ун тегирмонларининг йирик миноралари салобат касб этиб турибди. Бу Қашқадарёда энг йирик ҳисобланган бизнинг «Дунё-М» деб номланган корхонамиз.

Корхонада ун, макарон маҳсулотлари ва омухтаси ишлаб чиқарилади. Иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганлиги туфайли қувончли ютуқларга эришилмоқда. Мамнуният билан таъкидлашим лозим, ишлаб чиқаришда илғор технологиялар кенг қўлланилиб, вилоятда биринчилар қаторида корхонамизга чет эл инвестициялари олиб кирилди. Ҳозир бу ерда бир кеча-кундузда 500 тонна буғдой қайта ишланмоқда. Тегирмон Швейцариянинг «Бюлер» технологияси бўйича қайта қурилди. Унда юқори сифатли Қашқадарё уни ишлаб чиқарилмоқда. Бригада етакчилари Шуҳрат Файзиев, Абдусамат Комилов, ишчилардан Фарҳод Оқбоев, Раззоқ Нормуродовлар ускуналарнинг тўла қувват билан ишлашини таъминламоқдалар.

Жамоамиз аъзоларини ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Жамият қошида ташкил этилган ёрдамчи хўжаликда йилига 50,5 тонна гўшт, 51,4 тонна сут етиштирилиб, ишчи-хизматчиларга арзон нархда сотиляпти. Жамият аъзоларидан 20 киши Қарши шаҳридаги «Табобат» хусусий шифохонасида, 21 киши республикамизнинг хушҳаво масканларида даволаниб қайтдилар. 27 та кам даромадли оилага 240 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Шу ерда 25 ўринли кундузги шифохона намунали ишлаб турибди.

Ишчи-хизматчиларнинг ойлик маоши ўз вақтида тўланади. Маъмурият ва касаба уюшмаси ўртасида тузилган жамоа шартномасига мувофиқ оила қураётган ёшларга энг кам иш ҳақининг 10 баравари, нафақага чиқаётганларга 15 баравари миқдорида моддий ёрдам кўрсатилади. 2001 йил бошидан бери 6 нафар ёш оила, 4 нафар меҳнат фахрийси бу имтиёздан баҳраманд бўлди. Яқинда эса ишлаб чиқариш илғорлари Бухоро, Тошкент, Урганч, Самарқанд каби шаҳарларга саёҳатга бориб келдилар.

Тўлқин БОЗОРОВ,
Қаршидаги «Дунё-М» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси.

САХОВАТ

«Оналар ва болалар» йилида Фарғона вилояти Тошлоқ туманида фаолият кўрсатаётган «Ҳабиб Абдулло» фермер хўжалиги жамоаси кўп болали оилаларга ва маҳаллий мактабга юз минг сўм маблағ ажратишга қарор қилишди.

— «Ҳабиб Абудлло» бир йилдан буён фаолият кўрсатаётган бўлиб, ўтган йилги мавсумни муваффақиятли якунладик, деди фермер хўжалиги раҳбари Турғунбой Абдуллаев «Туркистон-пресс» мухбирига. Гектаридан 31,5 центнердан пахта ҳосили олиниб, жами ҳосилдорлик 36 тоннага етказилди. Галла етиштириш юзасидан давлат топшириғи ҳам ортиғи билан уддаланди. Фермер хўжалигининг ҳар бир аъзосига100 килограммдан галла берилди.

Т.Абдуллаевнинг айтишича, жамоа жорий йилда ҳар бир гектар пахта майдонидан 34 центнердан ҳосил етиштиришни мўлжаллаётир. Йиғим-терим мавсумида техника билан таъминлаш юзасидан машина-трактор саройи билан шартнома тузилди. Шунингдек кичик консерва заводи, лимон етиштириладиган иссиқхона қуриш режалаштирилаяпти. Булар яна 50 кишини иш билан таъминлаш имконини беради.

Фермерлар олинган фойданинг бир қисмини хайрия мақсадларига сарфламоқда. Хусусан, яқинда «Пахтакор» маҳалласига сув етказиб берувчи насос таъмирланди. Мактабга газ қувури тортилди. Шунингдек, «Ҳабиб Абдулло» фермер хўжалиги болалар боғчалари ва мактабларга сархил сабзавот ва меваларни мунтазам етказиб беряпти.

КАСАБАҚЎМ САЁҲАТ УЮШТИРДИ

Яқинда Тошкент шаҳар кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан соҳа ходимлари учун Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёҳат уюштирилди. Натижада 140 нафар она ва болалар ушбу шаҳарлардаги тарихий обидалар билан яқиндан танишдилар. Сайёҳлар Амир Темур устози Саидбарака ва темурийлар қабрини зиёрат қилишди. Уларда айниқса ўзининг бетакрорлиги билан машҳур бўлган «Шоҳи Зинда» мақбараси катта таассурот қолдирди. Шунингдек, улар Имом ал-Бухорий мажмуасини бориб кўришди.

Бухорода эса сайёҳлар Сомонийлар мақбараси, Арк, Амир қароргоҳи, Мирараб мадрасаси каби тарихий аҳамиятга эга бўлган жойлар билан яқиндан танишдилар.

Ғ.ЮСУПОВ.

«Ташаббус-2001»

ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ

Хоразмда Ўзбекистон Республикаси давлат мулк қўмитаси ҳамда Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан эълон қилинган «Ташаббус-2001» танловининг вилоят босқичи якунланди.

Танловдан мақсад хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожлантириш асосида мулкдорлар синфини шакллантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, тадбиркорликка ҳурмат ва эҳтиром муносабатларини шакллантириш ҳамда тадбиркорлар тажрибасини, билим даражасини оширишга имконият яратиш, ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйишдан иборат.

Танловда микрофирмалар, корхоналар, фермер хўжаликлари, хусусий тадбиркорлар, ҳунармандлар, халқ амалий санъати усталари иштирок этдилар. Янгиариқ туманидан Шодлик Абдукаримов, Урганч туманидан Каримбой Абдуллаев, Шовот туманидаги Шомурод Назаровлар йилнинг энг яхши тадбиркорлари, Урганч туманидан Нуржон Искандарова, Хонқа туманидан Ўринбой Юсупов, Хазорасп туманидан Шихназар Сўлиевлар вилоятнинг энг яхши фермерлари, Хива туманидаги Шавкат Жуманиёзов, Гурлан туманидаги Эриммат Раҳимов, Янгиариқ туманидаги Султон Отажоновлар вилоятнинг энг яхши ҳунармандлари деб топилдилар.

Э.ЭРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

ҲУВИЛЛАГАН ШИФОХОНА

Ҳақли эътироз

Ҳар бир туман, қишлоқ фуқароси ўз ҳудудида замонавий шифохона бўлишини орзу қилади. Ахир, саломатлик учун бундай маскан бағоят зарур. Балиқчи туманининг Ўрмонбек қишлоғида 10 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. 1992 йилда бу ерда 110 ўринли замонавий, нодир тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган шифохона фойдаланишга топширилганди. Бундан Улуғнор, Бўз ва Шаҳрихон туманлари аҳолиси ғоят мамнун бўлишди. Боиси, улар ҳам ажойиб масканда соғлиқларини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлишди.

Дов-дарахтлар билан ўралган, хушманзара жойда қад ростлаган касалхонада барча қулайликлар мавжуд эди. У тўла газлаштирилган, ичимлик суви билан таъминланган, ён-атрофи ободонлаштирилганди. Ички касалликлар, жонлантириш бўлими, туғруқхона, дорихона аҳолига муайян вақт намунали хизмат кўрсатди. Тажрибали, қўли енгил шифокорлар қисқа вақт ичида эл назарига тушдилар. Бу ерга қўшни туманлардан шифо излаб келувчилар сони кўпайди. Ўндан зиёд етук мутахассис, 100 нафарга яқин турли тоифадаги тиббиёт ходимлари қанчадан-қанча беморлар дардига малҳам бўлдилар. Таъкидлашларича, дастлабки кезлар биргина даволаниш бўлимининг ўзи олтмиш беморга мўлжалланганди.

Хуллас, Балиқчидаги мазкур шифохона халқимизнинг катта бойлиги эди. Бахтга қарши, вақт ўтиши билан бу ердан файз кета бошлади. Кадрлар қўнимсизлиги юзага келди. Кетма-кет раҳбарларнинг алмаштирилиши муҳитга, иш жараёнига салбий таъсир ўтказди. Энг ачинарлиси шуки, катта маблағ сарфлаб келтирилган тиббиёт асбоб-ускуналари «бошқа ерларга» олиб кетилди. Оқибат-натижада шифохона ҳувиллаб қолди.

— Бор имкониятдан унумли фойдаланиш, одамларга катта наф етказаётган касалхонада ишни янгича талаблар асосида ривожлантириш мутасадди раҳбару мутахассисларнинг жонкуярлиги, омилкорлиги, бурч масъулиятини қай даражада ҳис этишларига кўп жиҳатдан боғлиқдир, - дейди нуроний Нодир ота Қораболев. - Шифо масканининг ҳозирги аҳволи ўзибўларчилик оқибати натижасидир. Ана энди кўплаб одамлар узоқ йўл босиб, бошқа шифо масканларига мурожаат қилишга мажбур бўлишмоқда. Бундан кимга фойда-ю, кимга зиён?!

Қишлоқдаги кўпни кўрган, табаррук кишилар билан суҳбатимиз ҳам баъзи нарсаларни ойдинлаштириб берди. Ўзининг кучли шифокорлари билан танилган касалхонада бир вақтлар туманлараро, вилоят миқёсидаги семинарлар ўтказилган. Илғор тажрибалар дастлаб шу ерда оммалаштирилган. Энди эса ҳувиллаган маскандан саноқли кишиларгина фойдаланишяпти, холос. Шароит, муолажалар сифати аввалгидек эмас. Кишилар маъданли сув қазиб чиқариш режаси ҳам бажарилмай қоғозда қолиб кетганлигини афсус билан таъкидлашди.

Юқорида қайд этилган камчиликларнинг туб сабаблари билан чуқурроқ қизиқиб, туман марказий шифохонаси бош шифокори Абдураҳим Турғунов ҳузурида бўлдик. У дастлаб жўяли фикр айтолмади.

— Ўрмонбек қишлоғи аҳолисининг эътирозлари ўринли, - таъкидлади ниҳоят суҳбатдошимиз. - Катта имкониятдан лозим даражада фойдаланилмаяпти. Шифохонада асаб ёки юқумли касалликлар бўлимини очишни режага киритганмиз. Андижон вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳам хайрли ишга розилик берган. Фақат яхши ниятни амалга ошириш бироз кечикаяпти...

Эндиликда Балиқчи, Улуғнор, Бўз, Шаҳрихон туманлари кишиларини бир савол ўйлантиряпти: касалхона иши қачон намунали йўлга қўйилади, ажойиб бино эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолаётганлиги наҳотки мутасаддиларни ташвишга солмаса?!

Қ.ШОКИРОВ,
З.ШАҲОБИДДИНОВ,
«Ишонч» мухбирлари.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ

САНАТОРИЙЛАРГА ЙЎЛЛАНМА БЕРИШ ТАРТИБИ

Саволингизга ҳуқуқшунос Ҳамидулла ПРЕМҚУЛОВ жавоб беради.

САВОЛ: Санаторийларга йўлланмалар бериш тартиблари ҳақида батафсил маълумот берсангиз.

Ж.Тошқулов, Косон тумани тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси.

ЖАВОБ: ЎзКУФК Раёсатининг 1999 йил 9 декабрдаги 34-6 сонли қарори билан санаторийларга, дам олиш уйларига йўлланмаларни чиқариш, тақсимлаш, сотиш ва ҳисобини олиб бориш ҳақида йўриқнома тасдиқланган. Ушбу йўриқноманинг 28-бандида айтилишича санаторийларда даволаниш ва дам олиш учун йўлланмалар биринчи навбатда ишлаб турган касаба уюшмалари аъзоларига, ногиронлар, II жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига, Ўзбекистон Республикасининг орден ва медаллари билан тақдирланган шахсларга, шунингдек, иккинчи жаҳон уруши йилларида мардонавор меҳнати учун тақдирланганларга, меҳнат фахрийлари ва фидойиларга, ишлаётган меҳнат ногиронларига, донорларга ҳамда кўп болали оналарга берилади. Ушбу йўриқноманинг 35-бандига биноан эса касаба уюшмаси қўмитаси меҳнат жамоаси билан келишган ҳолда олинган жами йўлланмаларнинг 5 фоизини шу корхонада илгари ишлаб кетган фахрийларга ажратиши мумкин. Фахрийларга йўлланмалар касабақўм қарори билан ажратилади. Шу ўринда айтиш керакки, ЎзКУФК Раёсатининг 2001 йил 24 январдаги 4/12 сонли қарори билан юқорида қайд этилган йўриқноманинг 29-бандига ўзгартириш киритилган бўлиб, унга биноан давлат ижтимоий суғурта ҳисобидан касаба уюшмаси ташкилоти олаётган жами йўлланмаларнинг 10 фоизи бепул, қолган 90 фоизи умумий нархининг 30 фоизига сотилади.

Зарафшон туманида марказий кутубхона ҳамда унинг ўнта бўлими фаолият кўрсатмоқда. Жами китоб фонди қариийб 80 мингтани ташкил этади. Ўтган йили мингга яқин турли номдаги адабиётлар сотиб олинди. Эътиборлиси шуки, нурхоналарга келувчилар сони ой сайин кўпаймоқда. Ходимлар жойларда кўргазмали семинарлар, савол-жавоб кечалари уюштирмоқдалар. Ёшлар ўртасида ҳуқуқий адабиётларга ҳам қизиқиш ортиб бораётгани қувончли ҳолдир.



Суратларда: туман марказий болалар кутубхонасида.

Б.НОРҚУЛОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОМОНИДАН РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНГАН ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ КОНВЕНЦИЯЛАРИ

111-КОНВЕНЦИЯ

Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситишлар тўғрисидаги 1960 йил Конвенцияси (қисқача мазмуни)

Ушбу Конвенцияга биноан «меҳнат» ва «машғулотлар» атамаси касб-ҳунар ўрганиш, меҳнат ва ҳар хил машғулотлар, шунингдек меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнат шартларини ўз ичига олади.

Конвенция уни ратификация қилаётган ҳар бир давлат учун — меҳнат ва машғулотлар соҳасида ҳар қандай камситишни бартараф қилишга қаратилган миллий сиёсатни белгилаш ва олиб бориш йўли билан имкониятлар ва муносабатлар тенглигига кўмаклашишни асосий мақсад сифатида белгилайди.

Шахснинг ирқи, танининг ранги, жинси, дини, сиёсий эътиқоди, хорижий келиб чиқиши, ижтимоий келиб чиқиши белгиларига (ёки аъзо давлат томонидан белгиланган бошқа ҳар қандай сабабга) кўра ва имкониятлар ёки муносабатлар тенглигини йўқ қилиш ёки бузишга қаратилган барча ажратиш, йўл қўймаслик ёки имтиёзлар бериш, камситиш деб ҳисобланади. Конвенциянинг амал қилиш доираси меҳнат қилиш ва ҳар хил машғулотлар имкониятлари, шунингдек касб-ҳунар ўрганиш имкониятларига тааллуқлидир.

Конвенцияни ратификация қилган давлат юқорида қайд қилинган сиёсатга мос келмайдиган барча қонунлар ва маъмурий қоидаларни бекор қилиши, тадбиркорлар ва меҳнаткашлар ташкилотлари билан ҳамкорликда миллий сиёсат қабул қилиниши ва унга риоя этилишини таъминлайдиган қонунларни жорий этиши ва таълим дастурларини рағбатлантириши лозим. Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги ушбу сиёсатни давлат ҳокимиятининг бевосита назорати остида олиб бориш керак.

Ўзбекистон КУФК меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлимининг шархи.

Ушбу Конвенция ХМТнинг саккизта асос солувчи Конвенцияларидан бири бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси томонидан 1997 йил 30 августда ратификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида таъкидланишича: «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир».

Меҳнат кодексининг 6-моддаси меҳнатга оид муносабатларда камситишни қуйидагича таъқиқлайди: «Барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадир. Жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар камситиш деб ҳисобланади».

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципларидан бири сифатида «меҳнат қилиш ва ишни эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишда барча фуқароларга жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволи ва мансаб мавқеидан, динга муносабати, эътиқодидан, жамоат бирлашмаларига мансублигидан, шунингдек ходимларнинг ишчанлик жиҳатларига ҳамда улар меҳнатининг натижаларига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлардан қатъи назар тенг имкониятларни таъминлаш»ни белгилайди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқларни кафолатлайди. Республикада истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар билим олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга.

Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Бош мутахассиси Йўлдош АҲМЕДОВ жавоб беради.

САВОЛ: 1. 15 фоизли рағбатлантирув рус тили ўқитувчиларига ҳам бериладими, йўқми?

2. Боғча мудираси бир пайтнинг ўзида боғчада 0,5 ставка тарбиячилик иши билан шуғулланиши мумкинми?

3. Услубчи тўлиқ бир ставкада ишлаётиб, иш жойида яна бир услубчи вазифаси бўш ўрни бўлган тақдирда шу ишда 0,5 ставка ишлаши мумкинми? Бундан ташқари услубчилар мутахассислиги бўйича мактабда дарс ўтса бўладими?

4. Мактаб фаррошларига 500 кв/м полни ювгани учун 1 ставка маош тўлаймиз. Улар эса бундан норози бўлиб мурожаат қилишмоқда. Чунки улар қўшимча дераза ва унинг ромларини, хонадаги шкаф, парта ва бошқа жиҳозларни, синфхона деворлари ва панелларини ҳам тозалаб беришади. Молия бўлимидагилар бу ишларни 500 кв/м ҳажмига кирмайди дейишмоқда. Шу тўғрими?

Н.Ниёзов, Денов тумани халқ таълими бўлими бош иқтисодчиси.

ЖАВОБ: 1. Ўқитувчи қайси фандан дарс беришидан қатъий назар мазкур касб эгаларига Қонунларда назарда тутилган барча имтиёзлардан бир хил асосларда фойдаланадилар. Сиз саволингизда сўраётган рус тили ўқитувчиси ҳам 15 фоизли рағбатлантириш фондидан бериладиган мукофотни бошқалар қатори бир хил асосларда олади.

2. Боғча мудираси шу ерда ортиқча тарбиячилик ўрни бўш бўлган тақдирда мазкур вазифада қўшимча 0,5 ставкада ишлаши мумкин.

3. Услубчи тўлиқ бир ставкада ишлаётиб ушбу жойда яна бир услубчи ўрни бўш бўлса, 0,5 ставка ҳажмида эмас, унинг ҳам ишларини бажарганлиги ҳисобидан қўшимча ҳақ олиб ишлаши мумкин.

Услубчилар ўз мутахассислиги бўйича мактабда бир йилда 240 соат (ўртача ҳафтада 6 соат) дарс ўтиши мумкин.

4. Мактаб фаррошларига 500 кв/м полни ювгани учун бир ставка маош тўланади. Тегишли қонун ҳужжатларида синфхона деворлари, дераза ҳамда унинг ромлари ва шунга ўхшаш бошқа жойларни тозалаганликлари учун фаррошларга қўшимча ҳақ тўлаш назарда тутилмаган.

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради.

САВОЛ: Иш берувчи томонидан меҳнат шартномаси тузишда ва кейинчалик иш давомида ходимнинг тиббий кўрикдан ўтиши пулликми?

Беруний туманидаги 49-ўрта мактабнинг бир гуруҳ ўқитувчилари.

ЖАВОБ: Газетанинг 2001 йил 3 апрел сонида бу саволга берилган тушунтиришга бўлаётган телефон қўнғироқларини ҳисобга олган ҳолда аниқлик киритиб ўтишни лозим топдик.

Меҳнат кодексининг 214-моддасига мувофиқ шу моддада кўрсатилган шахслардан ишга кириш вақтида ва кейинчалик иш давомида тиббий кўрикдан ўтганлиги учун ҳеч қандай ҳақ олинмайди. Бу тартиб тиббий кўрикдан ўтказадиган барча давлат муассасаларидан тортиб хусусий поликлиникалар учун ҳақ тааллуқлидир. Агар тиббий кўрикдан ўтиш юқори тиббиёт муассасаси томонидан фақат хусусий поликлиникада бажарилиши кўрсатилган бўлса, тиббий кўрикдан ўтиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар тиббий кўрикдан ўтишга йўлланма берган муассаса томонидан тўланади, яъни иккала муассаса ўртасида шартнома тузилади ва тиббий кўрикдан ўтказиш мажбуриятини олган муассасанинг ҳисобкитоб рақамига пул ўтказилади.

Бу масалани ҳал қилишга Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси ҳам ёрдам бериши керак.

Саволларингизга Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими мудири Мамлакат АБДУМАЛИКОВА жавоб беради.

САВОЛ: Маълумки, ноқулай иқлим шароитларида ишлаётган ходимларга туманнинг қўшимча тўлов коэффиценти берилади. Бизнинг Наманган вилоятида ҳам 1,15 коэффиценти қўлланилади ва бу тўлов имтиёзли солиққа тортилади. Мазкур ҳудудий коэффиценти республикамизнинг қайси вилоятларида қай миқдорда тўланади? Шунингдек мазкур тўловдан солиқ олиш тартиблари ҳақида ҳам маълумот берсангиз.

● Бир гуруҳ ходимларимизнинг фарзандлари олий ўқув юртларида шартнома асосида ўқишади. Мазкур ишловчиларимизнинг ойлик маошлари ҳисобидан фарзандларининг таълим олиши учун ўтказилган маблағдан қай тартибда солиқ олинади?

С.Камолиддинов, «Наманганқурилиш» АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси.

ЖАВОБ: Сувсиз ва чўл жойларда, юқори тоғ тизмалари ва табиий иқлими оғир бўлган ҳудудларда, шунингдек, Наманган вилоятида ҳам 15 фоиз миқдорида туман коэффиценти тўланади. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 4 сентябрдаги 407-сонли қарори билан ҳудудий коэффицентни белгилашда республикада кўрсатилган энг кам иш ҳақининг 4 баробари миқдоридаги маблағ белгиланган. Ҳудудий коэффиценти бўйича белгиланган маблағ имтиёзли солиққа тортилади, бу 2001 йилнинг 1 январига қадар 15 фоизни ташкил қилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2000 йил 30 декабрдаги «Низом»ига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга биноан 2001 йил 1 январдан эътиборан бу меъёр 12 фоиз қилиб белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 1 июлдаги қарорига асосан корхона ва олий ўқув юртлари ўртасида тузилган шартномага биноан пуллик-шартнома асосида ўқиётган талабани ўқитиш учун тўланган маблағ шахсларнинг умумий даромадига кирмайди ва солиққа тортилмайди. Корхонанинг ўзида ишлаш шарти билан шартнома тузган мутахассисни ўқитиш учун олий ўқув юртига ўтказилган маблағ корхонанинг ходимларни ўқитиш ва қайта ўқитиш харажатлари ҳисобидан тўланади, ҳамда ундан ҳеч қандай даромад солиғи олинмайди. Бу ҳақда Молия Вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1998 йил 28 февралдаги 410- сонли хатида тушунтириш берилган.

Ҳуқуқингизни билсангиз:

ҲАҚИНГИЗ ҲЕЧ КИМДА КЕТМАЙДИ

Олий Хўжалик суди томонидан тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, оила пудрати ва ижарачилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг шартномавий муносабатларини такомиллаштириш юзасидан тегишли идоралар билан ҳамкорликда чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Белгиланган тадбирларга асосан жойларда бу борада йўл қўйилаётган хато ва камчиликларга Олий Хўжалик суди томонидан тузилган гуруҳлар иштирокида ўша жойнинг ўзида барҳам берилади.

— Президентимиз кичик бизнес вакиллари, тадбиркорлар, деҳқонлар, фермерлар, оилавий пудратчилар ҳамда ижарачилар ўз ҳуқуқларини яхши билмасликлари оқибатида хўжалик шартномалари номигагина тузилаётганлигини танқид қилган эдилар, - деди республика Олий Хўжалик суди раиси ўринбосари Шуҳрат Рўзиназаров. - Шартномаларни мукаммал тузиш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш мақсадида Олий Хўжалик суди, республика Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиш бўйича Бош давлат инспекцияси билан ҳамкорликда ишчи гуруҳи ташкил этилди.

Мазкур гуруҳ амалдаги қонунлар, меъёрий ҳужжатларнинг ижросини таҳлил этади. Хўжаликларда шартнома тузиш фаолиятига баҳо беради. Шартнома интизомини мустаҳкамлаш бўйича семинарлар ўтказади. Ҳуқуқлари бузилган тақдирда деҳқон ва фермер хўжалиги вакиллари ишчи гуруҳ аъзоларига мурожаат қилишлари мумкин.

Меҳнаткашларда ҳуқуқий билимлар талаб даражасида эмаслиги кўплаб хатоларни келтириб чиқармоқда. Олий Хўжалик суди томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар эса тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу хайрли ишларнинг дебочаси сифатида Зафаробод туманида махсус семинар ташкил этилди. Унда иштирок этганлар ўзларини қизиқтирган турли саволларга жавоб топдилар. Эндиликда бундай учрашув ва семинарлар республикамизнинг бошқа туман ва қишлоқларида ҳам мунтазам ўтказиб борилади.

Келгусида деҳқоннинг пешона тери эвазига етиштирган ҳосилидан тайёрга айёрлар фойда кўраман, деб хомтама бўлмасин. Чунки, ўз ҳуқуқларини, нима қилиш кераклигини улар яхши тушуниб етмоқдалар. Шундай экан, малакали ҳуқуқшунослардан ташкил топган гуруҳлар фаолиятидан тадбиркорларимиз унумли фойдалана олишлари зарур. Давр деҳқондан, фермердан, тадбиркорлардан ҳуқуқий жиҳатдан етук саводхон бўлишни тақозо этмоқда. Бу эса уларнинг топган-тутгани бекорга совурилмаслигини кафолатлайди.

Норгул АБДУРАИМОВА, «Туркистон-пресс».

ЭР-ХОТИН ҲАР БИРИНИНГ МУЛКИ

Оила ва қонун

Эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек, улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки улардан ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади.

Никоҳ давомида эр-хотиннинг умумий мулки ёки улардан ҳар бирининг мол-мулки ёхуд эр ва хотиндан бирининг меҳнати ҳисобига мол-мулкнинг қиймати анча ошишига олиб келган маблағлар (капитал таъмирлаш, қайта қуриш, қайта жиҳозлаш ва бошқалар) қўшилгани аниқланса, эр ёки хотиндан ҳар бирининг мол-мулки уларнинг биргаликдаги мулки деб топилиши мумкин.

1. Эр ёки хотиндан фақат биттасига тегишли бўлган ва у томонидан тасарруф этиладиган мулк хусусий мулк ҳисобланади.

Хусусий мулкка қуйидагилар киради:

эр ёки хотиннинг никоҳга қадар фақат ўзига тегишли бўлган мулки (масалан, уй, уй жиҳозлари, омонат кассасига қўйилган пул, қиймматбаҳо қоғозлар ва бошқалар);

никоҳ давомида ҳадя ёки мерос тариқасида олган мулклари;

тўй совғалари, агар улар эр ёки хотиндан бирининг шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган бўлса (қиймматбаҳо ва серҳашам буюмлар бундан мустасно);

эр ёки хотин томонидан олинган Давлат мукофотлари ва совғалар (масалан, олтин соат, мотоцикл ва бошқалар);

эр-хотиннинг никоҳ тузишга қадар олган ҳадялар (келиннинг сепи ва ҳоказолар), бу буюмлардан турмушда биргаликда фойдаланишдан қатъий назар, уларнинг биргаликдаги умумий мулки таркибига кирмайди.

2. Ушбу модданинг 2-бандида белгиланган объектлар қоида бўйича эр ёки хотиндан биттасига тегишли кўчмас мулк бўлиб, уй-жой, квартира, гараж ва бошқалар ҳисобланади. Бундай мулкни эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мулки деб топиш учун икки ҳолат мавжуд бўлиши керак, биринчидан, қайта қуриш, қайта жиҳозлаш, капитал таъмир, қўшимча қуриш ва бошқаларнинг амалга оширилганлиги, иккинчидан, бунинг учун объектнинг қиймати ошганлиги тан олиниши керак. Амалиётда судлар мулкнинг қимматини жиддий кўпайганлигини инобатга олади.

(Давоми бор).

Йодланган тузнинг фойдаси ҳақида оммавий ахборот воситаларидаги рекламаларни кўрган ғиждувонлик Маъруф Ражабов солда одамларни лақиллатиб, мўмай пул ишлаб олишга кўл урди.

«ТУЗФУРУШ»НИНГ МИСИ ЧИҚДИ

Бухоро вилоятида нима кўп, туз кони кўп. Саҳроюбиёбонлардаги кўллар вақт ўтиши билан қуриб, улар остида туз тўпланиб қолган. Табиийки, тиббий-технологик ишлов бермай, бу тузларни истеъмол қилиб бўлмайди. Маъруфни масаланинг бу томони мутлақо қизиқтирмасди. Ўзини у ёққа-бу ёққа уриб, «Йодли, истеъмолга яроқли» деган ёрлиғи бор кутичаларни топиб келди. Тонналаб тузни ташиб келтириш ҳам муаммо бўлмади. Шундай қилиб, хуфёна цех «гуриллаб» ишлаб кетди.

«Тадбиркор»нинг «йодланган» тузларини қанча аҳоли истеъмол қилганини ҳозир Бухоро вилояти солиқ соҳасидаги қонунбузарликларга қарши кураш тезкор бошқармаси аниқлаяпти. Хуфёна цех ошкор этилганида 10,6 тонна истеъмолга мутлақо яроқсиз туз, 83 кутига жойланган «тайёр маҳсулот» ва яна ишлатилишини кутиб ётган 4 минг дона махсус ёрлиқли бўш кутилар топилди. Текин даромад деб иймонини унутган «тузфуруш»нинг ўзи яқин кунларда қилмишига яраша албатта «тузланади».

Шу йилнинг ўтган уч ойи мобайнида Бухоро вилояти солиқ соҳасидаги қонунбузарликларга қарши кураш бошқармаси еттита хуфёна цехни ошкор этди. Улар Ғиждувон, Шофиркон, Қоракўл ва Когон туманларида бўлиб, сохта алкогол ичимликлар, давлат стандартларига жавоб бермайдиган пахта ёғи ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган экан.

Илҳом САФАР, ЎзА мухбири.

Саҳифани тайёрловчи: Дилором АЛЛАҚУЛОВА, «Ишонч» мухбири.

ОЛТИН МЕДАЛ СОҲИБЛАРИ



Яқинда Американинг Атланта шаҳрида каратэ бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда турли мамлакатдан каратэчилар қатнашди. Турнирда ўзбекистонлик ёшлар ҳам намунали иштирок этдилар. Улар юртимиз нуфузини муносиб равишда ҳимоя қилиб, 8 та олтин, 4 та кумуш ва 3 та бронза медали совриндорлари бўлишди.

Мамлакатимиз моҳир спортчиларининг халқаро турнирда ўз маҳоратларини кўрсата билиши серқуёш ўлкамизда каратэ мактабининг ривожланиб бораётганини яна бир карра тасдиқдан ўтказди.

Суратларда: 1. Атланта халқаро турнирининг олтин медал соҳиблари Отабек Қосимов ва Илҳом Каримов; 2.Тошкент шаҳридаги 64-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Санжар Каримов эса 2 та олтин медал соҳиби бўлди.

А. РИСҚИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

«АВЕСТО» — ЭЗГУЛИК ЖАРЧИСИ

Ўзбекистон Ёш олимлар миллий жамияти ташаббуси билан Наманган давлат университетида «Шарқ ва Ғарб», зардуштийлик ва «Авесто»нинг ғарб дунёқарашига таъсири» мавзусида республика илмий-назарий анжумани ўтказилди.

— «Авесто»да куйланган эзгулик ғоялари бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган, - деди ушбу жамият аъзоси, психология фанлари номзоди Раъно Исмоилова «Туркистон-пресс» мухбирига. - Унинг маъно-моҳиятини ёш авлодга етказиш, миллий қадриятларимиз орқали уларнинг маънавий дунёсини шакллантириш, маданиятини юксалтириш асосий масалалардан ҳисобланади. Бугунги анжуманнинг асосий мақсади ҳам шу.

Маълумки, Шарқ халқлари қадимқадимдан инсоннинг ички дунёсига, унинг кечинмаларига алоҳида эътибор қаратганлар. Инсониятни доимо покликка, эзгуликка даъват этганлар. Асрлар давомида ўзининг эзгулик ва олижаноблик, маърифатпарварлик ғоялари билан инсонлар қалбига яхшилик уруғини сочиб келаётган «Авесто» каби китобнинг айнан Шарқда яратилиши бунинг яққол далилидир. Ушбу умуминсоний қадриятларнинг юртимиз келажаги бўлмиш ёшларимизни баркамол инсон қилиб тарбиялашда тутган ўрнини алоҳида таъкидлаш жоиз, деб қайд қилди Р.Исмоилова.

ҒИРВОН ҲАНГОМАЛАРИ

Ҳамма ернинг ўз Габроваси бор. Наманганда бирон-бир даврада ҳазил-мутойиба гап айланса, дарров шаҳарнинг кун ботиш даҳаси — Ғирвон тилга олинади. Дарҳақиқат, Наманганга темир йўл ўтказилиб илк бор паравоз гудок чалиб кириб келганида олдига янги ўрилган беда чиқариб солганлар ҳам ана шу оқ кўнгил, меҳмондўст, соддадил ғирвонликлар бўлади.

Мен ғирвонликлар билан боғлиқ гоҳ чин, гоҳ тўқима ҳангомалардан баъзиларини қоғозга туширдим.

ЧАНҚАГАН ПАРАВОЗ

— Ўша воқеа чиндан ҳам юз берганмикан? — сўрадим бир гал ана шу даҳалик Охунжондан.

Қадрдоним қошларини чимириб, шубҳамдан ранжигандек бўлди.

— Секин гапирасиз-а, ака. Беда кўтарганлар орасида бобом ҳам бўлган. Ўзлари томорқаларидан ўриб берган эканлар.

Охунжоннинг айтганларига ишондим. Юз йилдан ортиқ умр кўрган Охунжоннинг опоғдадаси содда табиат, қўй оғзидан чўп олмаган инсон бўлганлар. Шахсан ўзим икки бор худо раҳмат қилгур бу оқсоқол билан суҳбатлашиб ёқтириб қолгандим.

— Паравозчилар ичаклари узилгудек кулишгандир, — дедим ўша воқеани кўз олдимга келтириб.

— Унчалик эмас, — деди Охунжон қўл силтаб. — Ўзбекчани биладиган мужик бобомнинг елкасига қоқиб:

— Раҳмат, бобой, отимиз кеча қорнини тўйдириб борш ичган эди. Сал чанқаган холос, — дебди ва сал ўтмасдан ростдан ҳам темир йўл четига қурилган баланд темир қувурдан машинасига сув тўлдирибди. Лекин деҳқонлар барибир бедани қайтариб олиб кетишмабди. Сувга тўйган жонивор ҳали замон қорни очади, кечқурун сўраса, берарсан, деб қолдириб кетишибди.

Гапнинг охирида Охунжон қўшиб қўйди:

— Беда келтирганлар анча йилгача овқатланмасдан нуқул чанқайверадиган «темир тулпор» қилиғидан ҳайратга тушиб юришган экан.

БЕНЗИН АХТАРИБ

Бу ҳангомани ҳам ўша ўзимизнинг Охунжон топиб келган.

— Кеча ён қўшнимиз Ҳамидхон кўчада қўл кўтариб қолди, — дея гап бошлади йигит. — Қарасам, қўлида бўш пақир. Сездимки, ҳозир бензин сўрайди. Ўзимникининг ҳам таги кўриниб қолган.

— Охирги томчилари билан кетаяпман, — дедим ростини айтиб. Аммо қайсар Ҳамидхон гапимни тушунишни ҳам истамасди. Шу пайт шундоқ сал нарида тўхтаб машинасини таъмирлаётган троллейбусчига кўзим тушиб қолди.

— Ие, анави Хафизхонни қара, — дедим «қувонч» билан. — Эрталаб саройдан чиққан. Ҳеч қанча юрганича ҳам йўқ. Сўрасанг, йўқ, демайди. Бир маҳалладанмиз ахир!

Ҳамидхон у тарафга қараб югурди-ю, мен бу ёққа қараб ғизилладим.

Оқшом дарвоза тақиллаяпти. Чиқсам Ҳамидхон авзойи бузуқ, бўш келсам ёқамдан оладиган.

— Ие, сенмисан, ошнажон, қадамларига ҳасанот, қайнонанг яхши кўрар экан, ош тайёр, — дедим сир бой бермасдан.

— Ошинг билан қўшмозор бўл, масхарабоз, — деди юзлари хўроз тожисидек қизарган қўшним ва ўшқиришга тушди. — Сен ҳам, Ҳафизхонинг ҳам ғирт аҳмоқ экансанлар.

— Қайси гуноҳим учун сўкяпсан, оғайни? — бўш келмадим.

У жаҳл билан дарвоза қиррасини тарақлатиб тепди.

— Ахир троллейбус бензин билан юрмас экан-ку! Сўраб борсам, у ярамас ҳам гапимни тингларкан, башарамга бақадек бақрайиб турди-да!

— Керагича қуйиб ола бер. Идиши томида, — деса бўладими!

Пақирни кўтарганимча томига чиқиб идишини чунонан ахтарибманки, иккита темирдан бошқа ҳеч вақо кўринмайди. Бензин турадиган идишинг қаерда, тополмаяпман-ку, деб сўрашимни биламан, атрофда кулги кўтарилди. Қарасам, одамлар тўпланиб мени томоша қилишаётган экан. Ер ёрилмади-ю кириб кетмадим. Пастга ирғиб тушиб жағини ёриб қўяй, десам, аллақачон жуфтакни ростлаб улгурибди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ.

Ўқинг, қизиқ!

СОЧ-ТИРНОҒИ ТЎКИЛАДИ

Ер юзидаги энг иссиқ ҳудуд Атакома. Бу чўлда иқлим жуда иссиқ бўлиб, ёмғир мутлақо ёғмайди. Шу боис бу ерда одамнинг сочи ва тирноқлари таги билан қурир экан.

ҲЕЧ КИМ ЧЎМИЛМАЙДИГАН КЎЛ

У Сицилия оролида жойлашган. Маҳаллий халқ уни «ажал кўли» деб атайди. Чунки, чўмилган одам ҳалок бўлади. Кўл тубининг икки еридан қайнаб чиқадиган қандайдир модда сувни заҳарлар экан.

ҚУРБАҚАНИ НЕГА ОВЛАШАДИ?

Марказий Австралияда маълум мавсумда дарёда сувлар қурийди. Бундай пайтда маҳаллий аҳоли қурбақа овига чиқади. Улар қурбақаларни тутиб, ичини ёришади ва қорнидаги муздек сувни ичиб, чанқоқларини қондиришади.

АРМОНСИЗ КЕТМАДИЛАР

Литванинг Укмеркеда шаҳрида истиқомат қилувчи икки қария ҳаётларида илк бор турмуш қуришди. Умрида биринчи марта куёв бўлиш бахтига муяссар бўлган Павидас Пятраснинг ёши 83да, ҳаяжонли дақиқаларни у каби илк бор бошидан кечираётган Ефросия Фёдорованинг ёши эса 79да. Никоҳдан сўнг бир йил бахтиёр ҳаёт кечиришди.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ.

Ним табассум

КЕЧКИ НАСИБА

Динозавр ўрмон бўйлаб бораяпти. Рўпарасидан шер чиқиб қолди.

— Исминг нима? - сўради динозавр.

— Шер.

— Ёзиб қўяман: эрталаб олдимга кел, нонуштам бўласан. Саволлар борми?

Шер титраб-қақшаб:

— Йў-ўқ.

Динозаврга энди айиқ дуч келди.

— Исминг нима?

— Айиқ.

— Ёзиб қўяман: пешинда ҳузуримга бор, тушлигим бўласан. Саволлар борми?

— Йў-ўқ.

Динозаврга бу гал маст қуён учради.

— Исминг нима?

— Қу-у...ён.

— Ёзиб қўяман: шомда олдимга кел, кечки овқат олдидан газакка яраб қоларсан. Саволлар борми?

— Бо-о-ор. Бормасам ҳам бў-ўлади-ми?..

— Бўлади. Демак, ўчириб қўямиз.

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ВИСОЛ ОҚШОМЛАРИ БЎЛМАСИН УНУТ

Не учун ўртага тушди совуқ тош,
Оҳ-воҳдан юраклар ёки толдими?
Барча синовларга бераман бардош
Деган ваъдаларинг ҳастаҳолмиди?

Ширин сўзлар ўрнин олди жаҳолат,
Қуёш юзин босди гўёки булут.
Юрак талвасаси одатий ҳолат
Висол оқшомлари бўлди-ку унут.

Йўқ, асло кўзларинг қопламасин ёш,
Муҳаббат қолмасин кўчада дайдиб.
Севишганлар учун хос эрур бардош,
Умримиз ўтсин шод алёрлар айтиб.

Карим МУХТОРОВ, ҳуқуқшунос.

Жиззах вилоят «Маънавият ва маърифат» марказида Исроил археология қазилмаларининг суратли кўргазмаси ташкил этилди.

ҚАЗИЛМАЛАРНИНГ СУРАТЛИ КЎРГАЗМАСИ

Кўргазмадан кўзланган асосий мақсад икки давлат халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш ҳамда Исроилнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини ҳамюртларимизга таништиришдан иборат. Ўн кун давом этадиган бу кўргазмага ташриф буюраётган жиззахликлар Исроил давлатининг қадимий археология қазилмалари суратларини катта қизиқиш билан томоша қилмоқда.

Ишқибозлар даврасида

Мамажон МУҲИТДИНОВ.

ҚАТИҚ БОЗОРИГА ДАЛЛОЛ-А!

Устоз Мирсоли аъзам жуда антиқа киши эди. Айниқса, ўйинга ёшлардан тараф чиқиб қолса борми, икки қўллаб дона теришга тушарди. Биз у кишидан шохмот сирларини ўрганиш билан бирга ҳар бир учрашувни мароқ билан эслаб юрардик. Қизиқ гапларни дўндириб, «чопон» қилиб кийгазиб қўярди. Ўз тенгқурлари даврасида айниқса очилиб кетарди...

Шундай давраларнинг бирида:

— Ана, ота, бизнинг «матқоп» ҳам келиб қолди, - деди ўйин навбатини кутиб ўтирган Насриддин ака.

Эшикда аъзам кўриниши билан ҳамманинг юзига табассум югурди.

— Кечаги «панжара-гулчин» мотлардан кейин ҳам «шоҳ»ингиз синмаган экан-да?! — Эски рақибининг оғзидан олиб ёқасига ёпиштирди аъзам. Ўтирганлар чойхонани бошларига кўтариб кулишди. — Айтиб бўлмайди-ю, кўнгиллари яна мот тусаётган кўринади, бу гал энди тақсиримни ит олган тулкидек юлқиб ташлаганим бўлсин.

Навбатни кушандаларга беришди. Шитоб билан қилинаётган юришларга яраша сўзлар айтиб туришибди рақиблар бурролик билан. Қайси бири жимиб қолса, билингки - ўйини ёмон.

Насриддин ака шу куйга тушиб қолди. Бундай қарасак, аъламнинг икки оти қора шоҳни юрмаганига қўймай «майдони»нинг ўртасига тортқилаяпти, яна икки «юриш»дан кейин ҳамманинг олдида ўсал



бўладиган.

Шу орада аъламнинг:

— Мот-а, қатиқ бозорига даллол-а!, - деганини эшитиб қолдик.

Қатиқ бозорида-ку даллол бўлмайди, мабодо бўлган тақдирда ҳам иш йўқлигидан ўртада серрайиб, юк излаган ҳаммолнинг ўзи бўлади. Мот бўлганга нисбатан аъламнинг топган ўхшатишини қаранг-а!

ХОМ ТЕРИНИ ИЙЛАСАНГ...

Дам олиш кунларидан бири эди. Шайхонтоҳурдаги чойхонани одам босиб кетди. Ярмичаси шохмот ҳаваскорлари. Тахта битта. Ўрта ёшлардаги икки киши қаттиқ беллашишяпти. Қолганлар жим. Оқлар дастлабки юришдаёқ бирин-кетин уч пиёдасини бериб, сипоҳларини жадал ўйинга чиқариб олди. Назарияда бу Шимолий гамбит деб аталади ва қоралар ютган пиёдаларини дарҳол қайтариб, фарзинларни уриштириб, камида аҳволини тенглаштириб олади. Йўқ, бу кишим унақалардан эмас, «чиққани ўзимники»лардан экан. Тез орада мушкул аҳволда қолиб, ортиқча доналардан хаёлан нолиб турганда, кимдир аста: «Хом терини ийласанг ултон бўлур, нафсини тийган киши султон бўлур» дедида, мулзам бўлиб ўтирганга бир пиёла иссиққина чой узатди ва бу ҳам етмагандек:

«Ҳечқиси йўқ, оғайни, бир терласангиз ёзилиб кетасиз, қани энди навбат бизники-да» деб қўшиб қўйди-ю, унинг ўрнига ўтириб олди.

МАРОҚЛИ МАШҚЛАР.

Оқлар бошлаб 3 юришда мот қилади.

БОШҚОТИРМА



ЭНИГА: 3.Олтин ёки кумуш тангалардан ясалган аёллар тақинчоғи. 7.Ҳавода муаллақ турувчи энг митти қуш. 8.Тарас Шевченконинг юрти. 9.Тезлик кучини аниқлайдиган асбобни кашф этган физик олим. 10.Россия Федерациясидаги вилоят. 11.Инерт газларидан бири. 12.Саид Аҳмаднинг «Уфқ» асари персонажи. 15.Қўлда тўқилган йўл-йўл газлама. 18.Маҳсулот, меҳнат ҳақига қўйилган қатъий баҳо. 20.Россияда ишлаб чиқарилган автомобил русуми. 21.Томоша залидаги ўринлар қисми. 22.Ҳашарот. 23.Математика фани бўлими. 24.Бинонинг олд томони. 26.Ҳаво жангги усули. 29.Эртапишар қовун нави. 31.Мусиқа ижрочиларининг гуруҳи. 32.Бадиий ижодда ўхшатма. 33....писта. 34.Суюқ таом. 35.Қозоғистон Республикасидаги шаҳар. 36.Қиличбозлик бўйича жаҳон чемпиони, ўзбекистонлик.

БЎЙИГА: 1.Ҳашаматли, кўркам бино. 2.Мезана шаклида бунёд этилган баланд иншоот. 3.Қимматбаҳо қоғозлар ва турли маҳсулотлар билан савдо қилувчи муассаса. 4.Хонаки парранда. 5.Ўтганлар руҳига пишириладиган егулик. 6.Эчки зоти. 13.Буюк ҳукмдор Амир Темурга берилган ном. 14.Ҳокимиятнинг олий органлари маълум муддатга сайлаб қўйиладиган давлат тузуми. 16.Ёритгич асбоб. 17.Ўсимликлардан олинадиган органик модда. 18.Ички касалликлар шифокори. 19.Ўрта асрларда Италия ва Испанияда маъшуқа шарафига айтилган қўшиқ. 24.Бирор вазифани адо этиш учун энг қулай пайт. 25.Мураккаб нурнинг шиша призма орқали ўтиб қисмларга ажралиши натижасида ҳосил бўладиган турфа ранг чизиқлар. 27.«Эҳ биз катталар» асари муаллифи. 28.Кавказ ҳудудида чиқувчи шифобахш маъданли сув. 29.Камёб, ёввойи тоғ қўйи. 30.Билим даражасини аниқлайдиган тадбир.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ 44-СОНИДА БЕРИЛГАН АЙЛАНМА КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1.Касаба. 2.Мутолаа. 3.Таҳлил. 4.Футбол. 5.Шуҳрат. 6.Ислоҳот. 7.Спорт. 8.Шукрона. 9.Шижоат. 10.Рассом. 11.Фармон. 12.Саховат. 13.Саодат. 14.Садоқат. 15.Табиат. 16.Таклиф. 17.Танқид. 18.Мушоира. 19.«Ҳуқуқ». 20.Қадрият. 21.Имтиёз. 22.Ҳикмат. 23.Масала. 24.Долзарб.

МУАММОНОМА

Очқич сўзлар: 1.Қўй. 2.Нусха. 3.Мавзу. 4.Лаёқат. 5.Ғурур. 6.Тренинг.

Табрик сўзлари: Азиз мухлислар! Наврўз айёми ва газетамизнинг қутлуғ санаси ила самимий қутлаймиз!

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6